

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 27-dekabr, shanba № 104 (15846)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### 2015 йил 2 январь кунини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида

Янги йил байрами муносабати билан аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2015 йил 2 январь жума кунини дам олиш кунини деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 132-моддасига асосан техник ишлаб чиқариш ва бошқа шароитларга кўра ишни тўхтатиб туриш мумкин бўлмаган жойларда, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатиш зарурати бўлган ҳолатларда ишлашга йўл қўйилсин.

Бажарилган ишлар учун компенсация ва ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 157-моддасига мувофиқ амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2014 йил 26 декабрь

### Navqiron avlod so'zi

## Вақт кемасидаги беқиёс имкониятлар

Шу кунларда барча юртдошларимиз Янги йил сурури билан яшамоқда. Бундай пайтларда яна санокли кунлардан кейин бошланадиган 2015 йил фақат қувонч ва шодликлар олиб келсин, кўнглимиздаги эзгу орзу-ниятларимиз амалга ошсин, эл-юртимиз тинч-омон бўлсин, деган ўй-кечинмалар хаёлимиздан ўтади.

(Давоми 3-саҳифада)

## ИСТИҚЛОД ВА ИЗЛАНИШ ЭЪТИРОФИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий маданият ва санъатимизни рағбатлантириш, унинг ўзига хос мактаб ва анъаналарини ривожлантириш йўлида кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрлик халқимиз, айниқса, навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, истиқлол йилларида маънавий-маърифий жабҳаларда эришган ютуқларимизни жаҳонга намойён этишдек улғувор мақсадларга хизмат қилмоқда.



Рустам Назарматов олган сурат

Пойтахтимизнинг "Истиқлол" саройида 26 декабрь кунини маданият, санъат, спорт, телевидение, радио каби соҳаларда бўлиб ўтган "Эътироф — 2014" миллий мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросимида ушбу жиҳатлар яна бир бор ўз ифодасини топди. Ёшлар маданият ва санъат маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга маданият ва санъат намояндалари, ёзувчи ва шоирлар, кино,

театр, мусиқа ва рақс, тасвирий санъат соҳаси фидойилари, кенг жамоатчилик вакиллари, устоз-мураббийлар, талабалар тақдир этилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан миллий ўзликни англаш, ўғил-қизларни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб камолга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар юксак самараларини бермоқда. Мустақиллик йилларида миллий маданиятимиз, санъатимиз, бадий ижод, спорт, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасида пухта

ўйланган мукамал тизим яратилди. Жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб берувчи маданият ва санъат, илм-маърифат масканлари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, соғломлаштириш мажмуалари, театр бинолари ёшларни эзгу фазилатлар соҳибига этиб вояга етказиш, уларда она Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, анъана ва қадриятларимизга ҳурмат ғояларини мустақам қарор топтириш имконини бермоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



## «ОБУНА — 2015»

Ўзбекистон ёшларининг бош наشري — «Turkiston» 2015 йилда ҳам сизнинг таслақдошингиз, ҳамроҳингиз бўлади.

ОБУНА ИНДЕКСИ: 203

«TURKISTON»GA ОБУНА БЎЛИНГ!



### Yangi yil shukhi

Янги йил арафасида болалар учун Президент совғалари тайёрланди. 12 номдаги ўқув қуроллари ва 14 хил ширинликлардан иборат бўлган 11 минг дона совға Халқ таълими вазирлиги томонидан жойларга етказилмоқда.



## Болажонлар учун 11 МИНГ совға

Биринчи бўлиб байрам совғалари билан тўлдирилган юк машиналари пойтахтдан Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари томон йўлга чиқди. Автотранспорт 1458 дона совғани ўз манзилига етказиб беради. Қолган ҳудудларга совғалар ҳаво транспорти орқали жўнатилмоқда.

Президент совғалари Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари, болалар шаҳарчалари, оила-

вий типдаги болалар уйлари тарбияланувчиларига улашилади. Бу ўғил-қизлар республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказиладиган Янги йил тадбирларига тақдир этилган. Улар билан бир қаторда байрам шодиёналарида кам таъминланган оилалар фарзандлари, ота-онасининг қарамогидан маҳрум бўлган ва чин етим болалар ҳам қатнашади.

Пойтахтимизда эса анъанавий "Президент арчаси" тадбирига тайёргарлик кўрилмоқда. "Turkiston" саройида бўлиб ўтадиган мўъжизали байрам кечасида кичкинтойларга "Томоша" болалар шоу гуруҳи иштирокида саҳналаштирилган мусиқий спектакль намойиш этилади.

Наргиза БАҲОДИРОВА



«Камалак»дан байрам тўғрисида

3



Билимчилар ҳаммаша голиб

4

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI BҮЙИЧА SAYLOV KAMPANIYASI BOШLANISHINI EЪЛON QILISH TҮFRISIDA

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига ҳамда «Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 2-моддасига ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 2015 йил 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси 2014 йилнинг 26 декабридан бошланиши эълон қилинсин.

3. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирларнинг тартиби, босқичлари ва муддатлари ҳақидаги ахборотни сайловчилар, сиёсий партияларга белгиланган тартибда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ахборотномаси» ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан етказиш таъминлансин.

4. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Марказий сайлов  
комиссияси  
Раиси

М.Абдусаломов

Тошкент шаҳри,  
2014 йил 26 декабрь

# ИСТЕЪДОД ВА ИЗЛАНИШ ЭЪТИРОФИ



(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ёшларнинг бадиий диди ва тафаккурини юксалтириш, истеъдод ва қобилиятини кашф этишнинг янги уфқларини очиб берди.

2014 йил ҳам мамлакатимиз маданий-маърифий ҳаётида унутилмас воқеаларга бой бўлди. Юртимизнинг барча ҳудудларида муҳташам маданият саройлари, янги-янги истироҳат боғлари, болалар мусиқа ва санъат, спорт мактаблари қуриб фойдаланишга топширилди.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2014 йил 22 январдаги қарорига мувофиқ жорий йилда Ўзбек Миллий академик драма театри-

нинг қутлуғ 100 йиллиги кенг нишонланди.

«Ёшлик баҳори» опера хонандаларининг республика фестивали, «Competizione dell'Opera» халқаро танлови, «Она юрт оҳанглари» ёш мусиқа ижрочиларининг танлови Ўзбекистон санъати равнақ топиб бораётганини яна бир қарра намоён этиб, мусиқа ихлосмандларида катта таассурот уйғотди. «Камалак юлдузлари», «Юрт келажиги» сингарии ижодий лойиҳалар мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги истеъдодли ёшларнинг ижоди билан яқиндан танишиш, уларнинг орзуларига қанот бағишлаш, фаолиятини кенг жамоатчиликка таништиришда алоҳида аҳамият касб этди. Юртимизнинг кўплаб иқтидорли ёшлари нуфузли халқаро мусиқа танловларида совринли ўринларни қўлга киритди.

2014 йил юртимиз спортида ҳам ёрқин воқеаларга бой бўлди. Айниқса, Хитойнинг Нанкин шаҳрида

ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинлари, Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳри мезбонлик қилган XVII Осиё ўйинларида Ўзбекистон спортчилари эришган ютуқлар юртимизда спорт жадал равнақ топаётганини яна бир қарра бутун жаҳонга намойиш этди.

— Мамлакатимизда инсон манфаатларига устувор аҳамият қаратиш, фан, таълим, маданият ва санъат, бадиий ижод, спорт соҳаларининг гуллаб-яшнаши йўлида яратилган чексиз имконият ва шароитлар биз, ижодкорларни янада самарали фаолият кўрсатишга чорлайди, — дейди Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театри актёри, «Эътироф — 2014» миллий мукофотининг «Йилнинг энг яхши театр актёри» номинацияси голиби Умирбай Қосимбетов. — Маданият ва санъат, илму маърифат аҳлига кўрсатилаётган бундай юксак эътибор ва эътироф юртимиз тинчлиги ва осойишталигини асраб-авайлаш, истиқлол неъматларини кўз қорачиғидек ардоқлаш, ёш авлод тарбияси, маънавиятини юксалтириш, уларнинг диди ва тафаккурини тўғри шакллантиришдаги масъулиятни астойдил ҳис этишга руҳлантиради.

Тадбирда турли номинациялар бўйича голибларга диплом, статуетка ва эсдалик совғалари топширилди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт дастури барчага кўтаринки кайфият улашди.

Назokat УСМОHOBA,  
ЎЗА мухбири

## Истиқлол — Ғурурим, Маҳаллам — Ғраҳрим

Пойтахтимизда маҳалла институтининг самарали фаолият юритишига кўмаклашиш борасида белгиланган чора-тадбирлар, эришилган натижалар ва муаммоларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари, журналистлар қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов ва бошқалар мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислон Каримов раҳнамолигида «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этишга қаратилаётган доимий эътибор фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, маҳаллаларнинг ҳаётимиздаги ўрнини юксалтиришда муҳим омил бўлаётгани ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жамиятдаги нуфузини ошириш билан бирга, ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ушбу жамоат тузилмаларининг янада самарали фаолият юритишига кўмаклашиш, маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги ва соғлом фарзанд

тарбиясидаги ролини янада ошириш давлатимизнинг доимий эътиборида.

— Бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида фуқаролар йиғинлари учун янги бинолар барпо этиш, маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув-услубий адабиётлар, замонавий ахборот технологиялари ва жиҳозлар билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди фонднинг республика бошқаруви матбуот хизмати раҳбари Раҳим Шеркулов. — Жорий йилда ўн тўққизта маҳалла фуқаролар йиғини биноси барпо этилиб, 175таси реконструкция қилинди. 627 фуқаролар йиғинида «намунали маҳалла» лойиҳаси амалга оширилиб, 1800га яқин маҳаллага компьютер жамланмалари, мебель тақдим этилди. Фонд томонидан ёшларни спортга жалб қилиш, бўш вақтини мазмунли ўтказишга кўмаклашиш мақсадида 152та болалар майдончаси янгидан

қурилиб, 173таси таъмирланди. Фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича «Маслаҳат марказлари» фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар, «Маслаҳат маркази бурчаги», «Маслаҳат маркази»да фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати ишлаб чиқилиб, маҳаллаларга етказиб бериш чоралари ҳам кўрилмоқда.

Бугун маҳалла институти фаолияти хориж давлатларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу боис маҳалла институти ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Корея, АҚШ, Хитой, Бельгия, Буюк Британия, Франция ва Германия давлатларида «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» китоби ҳамда «Ўзбекистонда маҳалла институти: тарихий тажриба ва ҳозирги кун» хужжатли фильмининг тақдимотига бағишланган давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилди.

Тадбир давомида журналистлар ўртасида ташкил этилган «Истиқлол — Ғурурим, маҳаллам — Ғраҳрим» кўрик-танловининг голиби ва совриндорларига диплом ва совғалар топширилди.

Рустам ЮСУПОВ,  
«Turkiston» мухбири

«Kamolot» ko'z'gusi

## Мунозара — турли мулоҳазалар билан қизиқ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Андижон вилояти кенгашида вилоятдаги академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида ташкил этилган «Мунозара» тўғараклари тренерлари учун ўқув-амалий семинар ташкил этилди.

Тадбирда тренерларга мазкур тўғаракнинг мазмун-моҳияти, мақсад-вазифалари, шунингдек, масалага мантиқий ёндашиш, далил, исбот келтириш ҳамда ишонтира олиш кўникмаларини ривожлантириш, мантиқий фикрлаш қобилиятини шакллантириш, нотиклик санъатида маҳорат ва этика масалалари, нутқ жараёнига психологик ва руҳий тайёрланиш бўйича малакали мутахассислар томонидан сабоқ берилди.

— «Мунозара» тўғараги тренерларининг аксариятини ўқувчи ва талабалар ташкил этади. Семинар давомида иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда ўзаро беллашиб, билимларини бойитди, — дейди «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши раиси ўринбосари Т.Абдуқодиров. — Бу эса ўз навбатида таълим муассасаларидаги ўқувчиларнинг етакчилик қобилияти, фаол ва ташаббускорлигини оширишда тренерлар учун айна муддао бўлиши шубҳасиз.

Тадбир сўнггида фаол қатнашган иштирокчилар Ҳаракатнинг вилоят кенгаши томонидан сертификат ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Муниса ҒОФУРОВА

# Вақт кемасидаги беқиёс имкониятлар

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

Шу билан бирга, ниҳоясига етиб бораётган 2014 йилда эришган натижаларимизни сарҳисоб қиламиз. Қилишга улгуролмаган ишларимизни ўйлаб, ушбу йил олдида ўзимизни бироз хижолатли сезамиз. Янги йилда уларни албатта охирига етказиш, ўз орзуларимизни амалга ошириш учун қатъийроқ, дадилроқ ҳаракат қиламиз, деб ўзимизга сўз берамиз

Айниқса, вақтнинг кечиши, шиддати ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ билинади мана шу фараҳбахш дамларда. Кечагина 2014 йилни катта шоду хуррамлик билан кутиб олган эдик. Кўз очиб юмгунча йил ҳам тугаб, бугун биз учун тарихга айланиб бормоқда.

Инсон вақт карвонини тўхтатолмайди, дейдилар. Жуда тўғри гап. Лекин одамзот ўзининг меҳнати, олдинга қараб интилиши, бунёдкорлик ишлари билан вақт кемасидаги беқиёс имкониятлардан унумли фойдаланиб, ҳаётини гўзал ва мазмунли қилиши мумкин. Бу ҳақиқатни меҳнаткаш халқимиз йил давомида турли соҳаларда қўлга киритган ютуқлари билан яна бир бор исботлади.

“Соғлом бола йили” деб ном олган 2014 йил айниқса мустақил ҳаётга қадам қўяётган биз — ёшлар учун алоҳида маъно-мазмунга эга бўлди. Йил давомида давлатимиз, жамиятимиз томонидан бизнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан камол топишимиз учун кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг янада кучайганини кўплаб амалий ишлар мисолида ҳар томонлама чуқур ҳис қилиб яшадик. Мамлакатимизда барпо этилган янги-янги мактаблар, замонавий лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлиари, мусиқа ва санъат мактаблари, тиббиёт муассасалари, болалар спорти иншоотлари, маданият ва дам олиш масканлари, ёшлар марказлари — буларнинг барчаси мамлакатимиз фарзандлари учун, уларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун хизмат қилмоқда. Бундай ғамхўрликка жавобан ёш авлод вакиллари ҳам ўқишда, илм-фан сирларини эгаллашда, санъат ва спорт соҳаларида дастлабки қувончли ютуқлари билан ота-онаси, устозлари, эл-юртимизни хурсанд қилишмоқда. Муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу ҳақда алоҳида таъкидланди.

Тобора охирлаб бораётган йилда ёрқин ва унутилмас саҳифа бўлиб ёдимизда қоладиган воқеалар жуда кўп ва уларнинг барчасини бу ўринда келтириб ўтишнинг ўзи қийин. Мен улардан фақат биттасини — 15-16 май кунлари Самарканд шаҳрида ўтказилган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференцияни эсга олмоқчиман. Бу нуфузли анжуман, айниқса, Юртбошимизнинг унда сўзлаган нутқи биз ёшлар учун миллий ўзлгимизни англаш, қандай буюк замин фарзандлари, улғ алломалар ворислари эканлигимизни тушуниб етиш ва бу билан фахрланиб, шундай бебаҳо бойликка муносиб бўлиб яшашимизга хизмат қиладиган мўътабар манбага айланди. Ана шу нутқдаги мана бу фикрлар бизни доимо буюк аждодларимиз мероси, уларнинг ибратли фазилатларига садоқат билан яшашга ундайди: “Бу улғ зотларнинг илм-фан соҳасига бахшида этган ҳаёти, улар эришган ва бугунги кунда бутун маърифатли инсониятни ҳайратга солиб келаётган ютуқлари — бу, ҳеч шубҳасиз, ҳақиқий маънавий жасорат намунаси, деб айтишга барча асосларимиз бор ва биз бундай жасорат олдида бош эгиб, таъзим қиламиз”.

Ўтиб бораётган 2014 йил ана шундай унутилмас воқеалар билан ҳаётимизни янада мазмунли қилди. Ишонимизки, кириб келаётган 2015 йилимиз ҳам жуда самарали бўлади. Юртимиздаги тинчлик-осойишталик, одамларнинг юз-кўзларидаги қувонч, эртанги кунга ишонч, уларнинг янги йилга пок орзу-ниятлар, катта режалар билан кириб бораётгани айнан шундан далолат беради.

**Ҳилола ҚАРШИБОВЕВА,**  
ЎЗМУ талабаси

Vatan himoyasi — muqaddas burch

## Юртим, хизматингга ҳамиша шаймиз!

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 9 декабрдаги «Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Фармойишига мувофиқ, республикамиз бўйлаб 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Ватан — улғ, бурчим — муқаддас» шиори остида маънавий-маърифий, маданий тадбирлар ўтказилади.

Бу ҳақда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбирларни ёритиш ҳамда Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг ўтаётган йил сарҳисобига бағишланган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Мудофаа вазирлиги ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда вазирликнинг масъул ходимлари, вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари ҳамда журналистлар иштирок этди. Мамлакатимизда фуқаролик

жамияти институтларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги иштироки йилдан-йилга муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Бунда Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши халқ ва армия ўртасидаги бирдамликни таъминлашда муҳим бўлин бўлиб хизмат қилаётир. Жорий йилда ҳам Жамоатчилик кенгаши томонидан олий ҳарбий таълим муассасалари ва ҳарбий қисмларда кўплаб учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилди.

— Худудларда бўлиб, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-

маиший ва хизмат шароитлари билан танишдик, — деди Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси Иқбол Мирзаалиев. — Аскарлар, чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашиб, кенг жамоатчиликнинг мудофаа ва ҳарбий қурилиш борасидаги фикр-мулоҳазалари, таклифларини ўрганиб чиқдик. Бугун одамларнинг тафаккури, хусусан, армияга муносабати ўзгарган. Бир пайтлар кишилар фарзандини ҳарбий хизматдан олиб қолиш учун курашган бўлса, бугун ўғлининг Ватанга хизмат қилишини хоҳламайдиган ота-онани учратмайсиз. Армиямиз қудрати, тезкорлиги, жанговар тайёргарлиги билан ажралиб туради.

Тадбирда журналистлар саволларига жавоб қайтарилди, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» мухбири



## «Камалак»дан байрам тўғриси

Ёшлар ижод саройида Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва имконияти чекланган болалар учун «Камалак»дан янги йил» концерт дастури ташкил этилди. Унда 1400 нафар бола иштирок этди.

«Камалот» ЁИХ Марказий Кенгашининг «Камалак»дан янги йил» лойиҳаси «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда болаларнинг қишқи таътиллари мазмунли ўтказиш ва кириб келаётган янги йилни янада кўтаринки руҳда нишонлашга кўмаклашишни мақсад қилган.

Ушбу лойиҳа давомида Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши томонидан болажонларга китоблар жамланмасидан иборат совғалар топширилди. Саҳна кўринишлари эса қутилмаган воқеаларга бойлиги, турли эртақ қаҳрамонларининг иштироки, куй-қўшиқлар билан жажжи томошабинларга манзур бўлди.

— Биз байрамга акам билан келдик, совғалар беришди! Саҳна чиройли безатилибди. Эртақ қаҳрамонларининг қўшиқ, рақслари менга жуда ёқди, — дейди 4 ёшли Розия Султонмуродова.

Ҳаракат томонидан, шунингдек, «Кўчма арча», «Биз биргамиз», «Ёшлар табриги», «Янги йил муборак!» каби туркум лойиҳалар ўтказилиши режалаштирилган.

**Зарнигор АБДУМАЛИКОВА,**  
«Turkiston» мухбири  
Рустам Назарматов олган суратлар



## Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch

Инсон ҳар қандай мураккаб вазиятдан ҳам яхши гап, вазмин мулоҳаза, ақл-заковат билан чиқиб кетиши мумкин. Туйқусдан бирор ташвиш ёки муаммо юзага келса, ҳиссиётга берилиб, янглишиб қолмаслик, хато устига хато қилмаслик учун оғир-вазмин бўлиш, фаҳм-фаросат билан иш тутиш зарур бўлади. Шундай қилган киши нажот йўлини топади. Халқ эртақларида ҳатто ёвуз девларнинг ҳам тавозе ва одоб билан салом берган кишига раҳм қилиши, ийиб кетиб ҳатто йўл кўрсатиши бежиз айтилмаган. Чиройли лутф билан кўнгилни обод қилиш, ўринсиз беадаблик билан эса вайрон қилиш мумкин.

Муомала маданиятида суҳбатдошни, у хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, одоб билан тинглаш, сўзини бўлмаслик, бепишанд нигоҳ билан қарамаслик ғоят муҳим фазилат ҳисобланади. Шарқ донишмандлари: “Агар сен комилликда жуда баланд даражага етган бўлсанг-да, ҳузурингга келган кишига аввало ҳурмат-эҳтиром кўрсат, фикрини бил, нима демоқчи, олдинга не муддаода келганини англа, кўнгли нимадан хавотирдалигини тушун ва шунга яраша муомала қил, токи ҳузурингдан ҳеч ким кўнгли тўлмай чиқиб кетмасин”, деб уқдирадилар.

Бу — ибратли насиҳат. Афсуски, ҳаммамиз учун эртаю кеч зарур бўлган бу одобга ҳамиша ҳам риоя қилавермаймиз. Ҳаёт тажрибаси шундан далолат берадики, бир қарашда ҳатто ноҳақлиги шундоқ кўриниб турган томонда ҳам маълум ҳақиқат бўлади. Ҳамиша бир томон ҳақ бўлавермайди, адолатли хулоса чиқариш учун иккинчи, учинчи томонларни эшитиш зарур.

Бундан анча йиллар аввал ўрта мактаб ўқувчисининг бахт ҳақида ёзган иншосини ўқиган эдим. Шу иншодаги баъзи фикрлар, бошқа жойда эшитмаганим учунми, хотирамга муҳрланиб қолган: “Бахтни ҳамма ўзича тушунади. Ким учундир бахт тимсоли бўлган бирор ҳаётий ҳолат бошқа бир киши учун мутлақо аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Ва аксинча. Бахтни мен ҳам

ўзимча тасаввур қиламан. Одамлар, айниқса, катта ёшли кишилар ўзларидан кичикларни эътибор билан тингламайдилар. Муҳим бир гапни, ҳатто янгликни гапирсангиз ҳам, сизга истехзо билан қарашади, тушунишмайди. Менингча, агар сени тушунсалар, шунинг ўзи бахт”.

Ҳаётнинг ўзига яраша мураккабликлари, синовлари бор, ютуқлар, қувончли воқеа-ҳодисалар, турфа хил янгликлар ҳамиша бўлиб туради, аммо муаммолар ҳам борки, улар ҳеч бир кишини бутунлай четлаб ўтмайди. Баъзан ҳаёт тажрибаси етарли, кўпни кўрган кишилар ҳам бирор маслаҳат, йўл-йўриқ, таклиф ёки оддий тасаллига муҳтож бўлиб қолади. Бундай пайтда самимий мулоқот, тинглаш маданияти асқотади. Бирор бошлиқ ёки обрўли, қўли узун кишининг олдига келганларнинг ҳаммасига ҳам ёрдам бериш, муаммосини тезда ҳал қилиш қийин, бироқ уларнинг кўнглини кўтариш, тушкунликдан олиб чиқиш, зарур маслаҳат бериш ва янада муҳими, қабулга келувчиларда яхши таассурот қолдиришнинг ўзи ҳам катта ёрдам, инсоний фазилат ҳисобланади.

Туманларимиздан бирида ўзим гувоҳ бўлган воқеа. Хизмат сафарида эдим, идоралардан бирининг янги раҳбарни олдига кириб, ишим битиши уёқда турсин, кайфиятим шу қадар бузилдики, бир-икки кун қўлимга қалам ололмай юрдим. Ёш бошлиқ ўзига ортиқча бино қўйганлардан экан,

## Сўзгаги сеҳр

мени деярли эшитмади. Энди гап бошлаганимда, ё хизмат телефони ё қўл телефони жиринглаб қолади. Олдида одам борлигини унутиб, қўнғироқ қилаётган киши билан бемалол гаплашади, ҳиринглаб кулади, суҳбатдошига: “Э, бошлабсиз, қотирибсиз, вот именно, яшанг, шундай қилиш керак бунақаларни” дейди. Бардош билан кутиб турибман. Мириқиб суҳбатлашишгач, гўшакни жойига илиб, авзойини бузганча, “Биродар, ҳали ҳам шу ердами-сиз” дегандай менга ажабланиб қарайди. Оғзимни энди жуфтлаганимда телефон қурғур яна жиринглаб қолади. Бу ҳам майли, тугмачани босиб, ходимларни чақиради, улардан бир нималарни сўрайди, дағаллик қилади.

Афсуски, бундай ҳолатларга ҳамоат транспортида, айниқса бозорларимизда тез-тез дуч келиб тураемиз. Олдиларида катта ёшли кишилар, аёллар, ёш болалар борлигини унутиб, ҳақоратли сўзларни ишлатаётган, беҳаё хатти-ҳаракатлар қилаётган айрим ёшларни кўриб, кўнглим хижил тортади.

Бошқа бир мисол. Бир йиғинда ёш ҳофиз Алишер Навоий, Машраб ғазаллари билан ижро этиладиган қўшиқларни куйлади, овози ёмон эмас, аммо у ғазал сўзларини шу қадар бузиб, чалкаштириб айтдики, даврада ўтирган кўпчиликнинг асаби бузилди. Зиёли бир киши тадбир сўнгида қўшиқчи йигитни бир четга имлаб, камчиликларини ётиги билан тушунтирмақчи бўлганида, ҳофиз: “Менга ўргатишнинг ҳожати йўқ, қандоқ айтишни яхши биламан, сиз ўзи кимсиз, ёқмаётган бўлса эшитманг”, дея кўрс жавоб берди. Шу йигит устоз кўрган,

ҳофизлик маданиятини ўрганган бўлганида, отаси тенги кишининг сўзларига қулоқ тутиб, хатоларини тuzатиб олган бўларди. Афсуски, у бундай қилмади. Тўйларимизда, концертларда куйлаб, тингловчиларнинг асабига тегаётган, улуғ аждодларимиз меросига ҳурматсизлик қилаётган ижрочилар, афсуски, топилади.

Улуғ аждодларимиз ўз ўғитларида “Илмли, фаҳм-фаросатли кишилар, айниқса, ёшлар билимдонликларини ҳуда-беҳудага пеш қилавермайдилар, катталар олдида сўзамоллик қилишдан тийилдилар, бошқаларни кўпроқ эшитадилар, зарурат бўлмаса, одоб билан сукут сақлайдилар”, деб таълим берганлар. Устозларнинг яна бир таълими — бирор-бир йиғин ёки машваратда кимдир у қадар тўғри бўлмаган ёхуд баҳсли фикрларни айтаётган бўлса, уни кескин тўхтатиш, хатоларини юзига солиш муомала маданиятига кирмайди. Бундай пайтда нотикни тинглаб бўлиб, унга хатолари нимада эканини ётиги билан, иззатнафсига тегмайдиган қилиб тушунтириш яхши самара беради.

Панд-насихат китобларида акани ука олдида, отани бола олдида изза қилмаслик тўғрисида кўп айтилган. Муомала маданияти шундайки, ҳатто тўғри, зарур сўзни айтишнинг ҳам ўрни ва вақти бўлади. Рухиятшунослар бирор кишини кўпчилик олдида уялтириш тарбия воситаси эмаслигини, бундай қилинса, натижа аксинча бўлишини таъкидлайдилар. Яъни ҳар қандай гапни ҳам мавриди билан, қаловини топиб айтиш керак. Бунга қуйидаги “тажриба” мисол бўла олади.

Бир киши ўғлини таниқли

мусаввирнинг олдига олиб келиб, уни рассомликка ўргатишни илтимос қилибди. Мусаввир бола билан суҳбатлашибди, топшириқ бериб, лаёқатини синаб кўрибди ва ишонч ҳосил қилибдики, болада рассомликка майл йўқ. Боланинг отаси ҳурматли киши экан, уни хижолатга қўймаслик учун чора излай бошлабди. Болага тайёр расмлар жойлаштириладиган ёғоч рамкалар тайёрлашни буюрибди. Бола ишга шу қадар берилиб кетибдики, у ясаган рамкалар ўзининг нозик ва мустаҳкамлиги билан устозини ҳайратга солибди. Бола дуррадгор бўлишни орзулаб юрган экан, имконият туғилганидан хурсанд бўлиб, илҳом билан ишлай бошлабди.

Орадан бир муддат ўтиб, ота ўғлидан хабар олгани келибди. Мусаввир рамкаларга жойлаштирилган бир неча расмларни кўрсатиб, унга шундай дебди:

— Бу ишларимиз жуда катта меҳнат, изланиш эвазига юзага келган. Аммо сизнинг лаёқатли, меҳнатсевар ўғлингиз сурат маъносини тушуниб, мана бундай гўзал рамкаларни тайёрлаб бермаганида, улар шунчаки сурат бўлиб қолаверар, мухлислар қалбига етиб бормаган бўлар эди. Шундай қобилиятли ўғилни тарбия қилганингиз ва шогирдликка олиб келганингиз учун сиздан миннатдорман.

Бу гапдан ота кўп хурсанд бўлибди. Мусаввир борди-ю, “Ўғлингизда рассомлик лаёқати йўқ, яхшиси дуррадгорликка беринг” деганини, отанинг кўнгли нечоғли чўкишини тасаввур қилиш мумкин...

Сўзда сеҳр бор деганлари шу бўлса керак.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ



## Hunari borning — xazinası bor

## Моҳир ҳунарманд — мумтоз санъат мухлиси

Самарқандлик ёш ҳунарманд Шавкат Зоҳидов — зардўз. У бу қадимий ҳунарни онасидан ўрганган.

— Оиламизда ҳамма ҳунарманд, ака-опаларим ҳам мен каби зардўзлик билан шуғулланади, — дейди Шавкат. — Зар ипларнинг матодаги жилоси ниҳоятда бошқача. Сўзанаю сандиқлар, чойнакпўш ва туморларни хорижлик сайёҳлар қизиқиб олади. Меҳнатимиз синган буюмларни кимдир қизиқиш ва ҳайрат билан томоша қилса, қувонамиз. Инсон ўз ҳунари ва меҳнати билан халқ меҳрини қозонса, бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Мен ҳунарманд бобою момоларимиз йўлидан бориб, шундай бахтга эришишни истайман.

Дарвоқе, зардўзлик сирларини пухта

эгаллаган тенгдошимиз фақат шу билан чекланиб қолгани йўқ. У Турон миллий яккакураши бўйича профессионал спортчи ҳамдир. Бадиий китоблар ўқишни яхши кўради. Мумтоз санъатимизнинг мухлиси. Киши ҳунарли, билимли бўлгани яхши, бироқ у комилликка интиламан деса, фақат энг сара китобларни ўқиши, мумтоз ашулаларни тинглаши, моҳиятига етиб бориши керак, деб ҳисоблайди.

Шавкат Зоҳидов 2008 йилдан “Ташаббус” республика кўрик-танловида мунтазам қатнашиб келмоқда.

Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат

## Intellectual tanlov



## Билимчилар ҳамيشа Ғолиб

Пойтахтимизда мактаб ўқувчилари ўртасидаги “Президент асарларини ўрганамиз” республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур интеллектуал лойиҳа Халқ таълими вазирлиги томонидан 2001 йилдан буён амалга оширилмоқда. Унда юқори синф ўқувчилари қатнашади. Финалда ҳудудий босқичларда ғолиб бўлган 15 нафар ёш билимдон ўзаро беллашди.

Танлов шартларига кўра, ўқувчи-

лардан Конституциямиз ҳамда Президентимиз асарларининг мазмунини пухта билиш, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш йўлида ҳамда ҳуқуқий амалиётнинг бошқа соҳаларида олиб бориладиган ислохотлар моҳиятини теран тушуниш талаб қилинади.

Навоий шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган мактабнинг 9-синф ўқувчиси Сабина Худойкулова бу йилги танловнинг мутлоқ ғолиби бўлди. 2-ўрин қорақалпоғистонлик Шоира Мўминбоевага, 3-ўрин Тошкент шаҳридаги А.Хлебушкина номидаги 22-мехрибонлик уйи тарбияланувчиси Абдулхай Уроловга насиб этди.

Ғолиб ва иштирокчиларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

## Ta'lim taraqqiyoti

## Ўқувчи ўзи қизиққан касб эгаси бўлсин...

Пойтахтимизда “Умумтаълим мактабларида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш муаммолари ва ечимлари” мавзuida республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Тадбир Халқ таълими вазирлиги, ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази, Ўрта махсус, касб-хунара таълими маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда халқ таълими тизимидаги ташкилотлар, академик лицей ва касб-хунара коллежлари, олий таълим муассасалари вакиллари, психологлар, педагоглар, илмий изланувчилар қатнашди.

Анжуман ўз ишини бешта шўбада олиб борди. Мутахассислар юртимиз мактабларида болаларни касб-хунарга йўналтириш ишлари ҳамда психологик хизматни ташкил этишнинг самарали усуллари, бу йўлда учраётган муаммолар, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда хорижий тилларни ўқитишда педагогик-психологик ёндашув, ўқитувчи, ўқувчи ва ота-она ўртасидаги муносабат масалаларини атрофлича муҳокама қилдилар.

— Мактаб ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тайёрлашда касб-хунарга йўналтириш ишлари муҳим аҳамият касб этади, — дейди Республика ташхис

маркази директорининг биринчи ўринбосари Камолиддин Жўрабоев. — Мазкур амалиётни бола 9-синфга ўтгандан кейин эмас, балки мактабгача ёш давриданоқ бошлаш мақсадга мувофиқ. Мактабда эса бу борадаги ишлар ҳамма синфларда, узлуксиз давом этиши керак. Махсус илмий методлар, хусусан, умумтаълим мактабларида олиб бориладиган психологик-педагогик ташхис боланинг ақлий ва жисмоний имкониятлари, иқтидори, қизиқишлари ва бошқа шахсий сифатларини аниқлашда ёрдам беради. Шунга қараб у қайси касб-хунарга мойиллигини аниқлаш ҳамда қобилиятини ривожлантириб бориш мумкин.

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш фақат мактаб психологлари ҳамда педагогларнинг вазифасига кирмайди. Бу жараёнда оиланинг фаол иштироки ниҳоятда муҳим. Шу боис анжуманнинг алоҳида шўбаси ўқитувчи, ўқувчи ва ота-она муносабатларига бағишланди.

Мамлакатимизда ўқувчи-ёшларнинг қизиқиш ва қобилиятига қараб касб-хунара танлашлари учун қулай

шароит яратиш мақсадидан мутасадди ташкилотлар томонидан салмоқли ишлар қилиняпти. Хусусан, ўтган йилдан бошлаб Халқ таълими вазирлиги 1—9-синфлар ўқувчилари тўғрисидаги ягона электрон маълумотлар базасини шакллантирмоқда.

E-maktab электрон базасига 9739та мактаб ҳамда уларда таълим олаётган 4,5 миллионга яқин ўқувчи ҳақида барча маълумотлар ҳудудлар кесимида киритилган. Тармоқда рўйхатдан ўтиб хоҳлаган умумтаълим муассасасининг раҳбари моддий-техник таъминоти ёки исталган ўқувчининг қайси синфда ўқишию, уй манзили ва ҳатто физиологик кўрсаткичлари ҳақида билиб олиш мумкин.

Анжуманда кўриб чиқилган масалалар юзасидан назариячи ва амалиётчи мутахассислар ўз тажрибаси, фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Шунингдек, ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис соҳасининг асосий йўналишларини ривожлантириш истиқболларига доир долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича илмий, методик, амалий таклиф ҳамда тавсиялар берилди.

Анжуман иштирокчиларининг ҳулосалари асосида якуний тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Наргиза УМАРОВА,**  
“Turkiston” мухбири

## Iqtisodiyot

## «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган»

Мамлакатимиз саноат соҳаси янги тараққиёт босқичида

*Бугун мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон бозорида ўз харидорини топмоқда. «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёзуви туширилган оддий пойабзалдан тортиб, замонавий автомобилларгача — барчаси ўзига хос дизайни, сифати билан харидорларни ўзига жалб этмоқда.*

Бироқ бугунги давр тўхтовсиз ривожланишни, юксак тараққиётга эришган давлатлар билан ҳамқадам бўлишни, балки улардан-да илгарилаб кетишни талаб этади. Бугун бошқалар билан теппа-тенг фикрлаган одам ютқазиб қўйиши ҳеч гап эмас. Юксак марраларни забт этиш мақсади бўлган ҳар бир киши илғор фикрлаши зарур. Бу бутун жамиятга, унинг барча соҳаларига ҳам тегишлидир.

Мазкур мулоҳазалар Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» мавзuida республика илмий-амалий анжуманининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этди.

Анжуман доирасида саноат тармоқларининг иқтисодий-иқтисодийдаги ўрни, улардаги таркибий ўзгаришлар, бугунги ҳолати, истиқболлари, саноатга инвестицияларни жалб этиш каби йўналишларда ялпи ва шўба мажлислари ўтказилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда соҳа мутахассислари, профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқот институти ходимлари, ёш олим ва магистрантлар иштирок этди.

— Бугун республикаимизда саноат соҳаси йилдан-йилга ривожланиб бормоқда, — дейди иқтисод фанлари доктори Ақтам Бурҳонов. — Жумладан, 2000 йилда саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб бу кўрсаткич 24,2 фоизга етди. Мазкур конференцияни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ҳам саноатнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш, ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Президентимиз қарорига асосан «2011—2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги дастур тасдиқланган. Ушбу дастурга биноан 519та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши мўлжалланган. Шунингдек, саноатнинг асосий тармоқлари модернизация қилиниб, 2016 йилгача ишлаб чиқариш ҳажми оширилади.

Илмий-амалий анжуманда олий таълим муассасаларининг ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, ёш олимларни мамлакат иқтисодий-иқтисодий тараққиётга кенг жалб этиш ҳамда илмий тадқиқот ишларини янада жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

**Назокат ҚУРБОННИЁЗОВА,**  
«Turkiston» мухбири

# Меҳру гарё муаллим

*Олис ёшлиқда бўлиб ўтган айрим воқеалар хотирада шу қадар аниқ-тиниқ муҳрланиб қоладики, бу ҳодиса беихтиёр “Ёшлиқда олинган билим – тошга ўйилган нақш”, деган ҳикматни ёдга солади. Бундан 45 йил муқаддам, олий ўқув юртига илк қадам қўйган кунларимни эсласам, назаримда, ён-атрофга беҳад қизиқиш-хайрат билан қараганимни эслайман.*

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида эндигина ўқишни бошлаганмиз. Мажлис залда атоқли қирғиз адаби Чингиз Айтматов билан учрашув бўлишини айтишди. Бу хушxabар кечагина қишлоқ мактабда ўқиб юрган болани ҳаяжонга солиши табиий, албатта.

Дунёга машҳур ёзувчи билан учрашув нега айнан шу институтда ўтказилаётганининг сабаби бор эди. Чингиз Айтматовнинг аксарият асарларини ўзбекча “гапиртирган” таржимон Асил Рашидов бизнинг факультетда адабиётдан сабоқ берарди.

Учрашув якунида ёзувчи ўз ижоди билан, ўзбек китобхонлари билан таништиргани учун таржимондан миннатдор эканини алоҳида таъкидлади...

Одатда, ўқитувчилар зиёлиларнинг пешқадам вакиллари ҳисобланади. Дарҳақиқат, бу олижаноб касб эгалари жамият, юрт келажигини таъминлайдиган баркамол авлодни вояга етказди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, халқ таълими фидойиси, профессор Асил Рашидов ана шундай жонкуяр устозлар сирасидан. Унинг сиймосида мазмунли ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтган талабчан ва меҳрибон устоз гавдаланади.

Асил аканинг атоқли адабиётшунос, таржимон, мураббий сифатидаги ибратли хислат-фазилатлари ҳақида сўз юришига чоғланарканман, беихтиёр юқорида баён этилган лавҳалар кўз олдидан бир-бир ўтди.

Мана, ўша учрашувдан буён қанча сувлар оқиб кетди. Бу борада Чингиз Айтматовнинг янги,

кўп шов-шувга сабаб бўлган асарлари чиқди. Мухлислар эса Асил Рашидов ғайрати билан уларнинг таржималаридан баҳраманд бўлди. Шу ўтган йиллар мобайнида минглаб ёшлар устоздан таълим олиб улғайди.

Шу кунларда вилоятларда бўлганимизда энди ўзлари устоз даражасига етган собиқ талабалар: “Асил ака саломатмилар?”, “Устоз яна қандай асарларни таржима қилдилар?”, деб сўраб-суриштиради.

— Асил ака бизга факультатив машғулот сабоқларини жуда чуқур ўргатган, — деб эслайди Наманган вилояти “Уйчинома” туман газетаси муҳаррири Абдубанно Холмонов. — Домла дарс машғулотларидан ташқари Садриддин Айний, Ҳамид Олимжон, Чингиз Айтматов сингари адабларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир махсус курслар ўқир, уларнинг таваллуд кунларига бағишланган илмий анжуманларга ўзи бош-қош бўлар, уй-музейларига тез-тез экскурсиялар уюштириб турарди. Талабалик давримизда домла институтнинг кўпнусахали газетасига раҳбарлик қиларди. Устознинг таъсири билан биз ҳам журналистика йўлидан кетдик. Мендан олдин шу газетанда муҳаррирлик қилган Асатилла Халилов (охиратлари обод бўлсин) Асил ака билан курсдош бўлганини ғурурланиб айтиб юрарди. Тақдирни қарангки, иккинчи фарзандим Азиз эндиликда Асил Рашидовга шогирд тушди, ўзимизнинг факультетда ишляпти. Ўғлим орқали устоз билан тез-тез боғланиб турамыз.

— Мен устознинг шогирдларига талабчанлигини кўп эслайман, — дейди Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидан Ойса-

ра Нафасова. — Ўзим ўқувчилар билан ишлашда ўша мезонларга асосланаман. Домла 50-60 нафар талабанинг биронтасини ҳам назардан четда қолдирмасди. Кимнинг хаёли қочса, дарҳол сезардилар. Қанийди, ҳамма ўқитувчилар ҳам шу қадар фидойи бўлса...

— Устознинг педагогикни адабиётшуносликка, таржимонликка, қолаверса, жамоат ишларига бирдай уйғунлаштириб олиб бориши мени жуда хайратлантиради, — дейди Жизза вилояти Бахмал туманидан Облоқул Абдухолиқов. — Камтарлигини айтмайсизми?! Номзодлик диссертациясини эллик ёшга яқинлашганда ҳимоя қилди. Ўша мавзудаги китоби республика Давлат мукофотида муносиб кўрилди.

Ижодкорнинг муттасил қоғоз қоралаши, ижод гулшанида жавлон уриши бу — унга тақдир инъом этган имконият. Баъзан битта сўз, бир жумлани ўрнига қўйиш учун ярим кун кетади. Аслида Асил Рашидовнинг таржимонлик соҳасидаги ижодий маҳорати ўзига хос мактабки, у ўрганишга, тадқиқ этишга арзи гуликдир.

Дейлик, Чингиз Айтматовнинг “Тополёк мой в красной косынке” асари номи илк бор “Қизил дуррачали сарвқоматим” деб таржима қилинган. Қиссанинг кейинги нашрида “Қизил дуррали сарвқоматим” тарзида ўзгартирилди. Изчил давом этган изланишлардан сўнг асарнинг номи учинчи нашрда мутаржим “Сарвқомат дилбарим” деб ўгирди. Бу қисса мазмун-мундарижасига айнан мос ном бўлди.

Шунингдек, атоқли адабнинг “Пегий пёс, бегущий краем моря” қиссасининг ўзбекча номланиши ўзига хос ижодий такомиллашми йўлини босиб ўтди. Дастлаб асар номи “Денгиз бўйлаб чапаётган олапар”, деб таржима қилинган эди. Бунда “краем моря” ибораси “денгиз бўйлаб” деб берилганди. Жониворнинг бутун бир “денгиз бўйлаб чопиши” ижодий изланишлар натижасида “Соҳил ёқалаб чапаётган олапар” деган номга ўзгартирилди. Бу ном мухлисларга ҳам маъқул тушди.

“И дольше века длится день”

романи таржимаси 1989 йилда ўзбек китобхонларига “Асрга тенг кун”, кейинроқ “Асрга татигулик кун” номида тақдим этилганди. Аслиятдан айнан келиб чиқилса, асар номида “Асрдан ҳам узун...” деган маъно бор. Ўзбекчадаги илк нашрлар номида эса “Асрга тенг... ёки “татигулик” дейилапти. Тилимизнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, халқона иборалар, ҳикматларни қиёслаш, энг муҳими, асар руҳидан келиб чиқиш орқали таржимон энг таъсирчан, қуйма ифодани топган: “Асрни қаритган кун”.

Бадиий асар таржимаси матнни шунчаки бир тилдан иккинчисига ўгириш эмас. Асл нусахадаги ҳар бир сўз, иборанинг табиийлиги, самимийлиги, таъбир жоиз бўлса, бокиралигини сақлаш таржимондан истеъдод, жуда катта маҳорат талаб этади. Асил Рашидовнинг фидокорона ижодий меҳнати айни шу талаблар нуқтаи назаридан ҳам эътирофга лойиқдир. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Уткир Ҳошимов ёзади: “Бадиий асарни бир тилдан иккинчи тилга ўгираётган одам фақатгина асар мазмунини эмас, балки унинг оҳангини, руҳиятини, туйғуларини ҳам таржима қилмоғи керак. Туйғу ва руҳни таржима қилиш эса анчайин мураккаб жараён. Бунинг учун таржимон асар муаллифининг ҳаяжонларини теран ҳис қилиши, ўзида ҳам шоирлик ёки адабнинг иқтидоридан, озми-кўпми, бўлиши шарт! Яъни таржимон муаллиф билан жўр овоз бўлиб қуйлай олмоғи лозим”.

Асил ака таржимонлиқнинг завқу машаққатларини кўп йиллардан буён ҳис этиб ижод қилиб келаётир. Устознинг ўз ижодий тажрибаларидан тугилган ушбу хулосасига эътибор қилайлик: “Таржима — ижод оламининг бир тури. У қиъталар масофасини яқинлаштириб, миллатни миллат билан, халқни халқ билан, тилни тил билан, дилни дил билан боғлайди, бошқача айтганда, миллий маданиятлар ҳамкорлигига хизмат қилади”.

Дарҳақиқат, ўз истеъдоди, салоҳияти билан ҳақон адабиётида довруғ таратган сўз санъаткорининг асарларидаги мағизли,

тўқ фикрларни аслига монанд тарзда ўгиришнинг масъулияти катта. Айни шу маънода филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилловнинг фикрлари диққатга сазовор: “Чингиз Айтматовнинг ҳар бир асари — бир бадиий олам, алоҳида услуб ва ижодий ният ҳосиласи. Айниқса, романларида адаб донишманд мутафаккир сифатида қалам тебратиби, умумбашарий дардлар, муаммоларни ўртага ташлади, жаҳон аҳлига мурожаат этиб, хушёрликка даъват этди. Шу боис унинг асарлари бизга қадрли, маънавий ҳаётимизга мазмун киритаётган, уни бойитаётган асарлар бўлиб турибдики, бунда заҳматкаш таржимонимиз Асил ака Рашидовнинг кўп йиллик меҳнати, меҳру муҳаббати ҳам ўз мевасини берган”.

Ўқоридаги эътирофлар Асил Рашидов ижодий меҳнатига таниқли адиб ва олимларимизнинг муносабати, албатта. Назаримизда, мутаржим эришган ютуқлар ҳақида у таржима қилган асарлар муаллифи Чингиз Айтматовнинг таъкиди алоҳида қимматга эга бўлса керак. “Менга ихлос қилиб, китобларимни ўзбек тилига таржима қилган дўстларимга, айниқса, адабиётшунос, таржимон Асил Рашидовга ташаккур айтмоқчиман, — деб ёзган эди адиб. — Чунки менинг “Оқ кема”, “Жамила”, “Алвидо, Гулсари!” каби бир қанча повестларимни Асилжон ўзбекчага худди мен қирғиз тилида ёзгандай жаранглади таржима қила олди”.

Ана шундай сермахсул ижодий натижаларга эришган устоз табарруқ ёшда бўлишига қарамай, ҳамон фаол, изланишда. У ҳамкасб ва шогирдлари билан бугунги адабий жараён ҳақида суҳбатлашади, фикрлашади, ўзбек адабиётининг бугунги ривожини, мустақиллик йилларида замонамиз қаҳрамони сиймосини яратилган долзарб вазифалар хусусида, мавриди келса, баҳс-мунозарага киришади. Бу мулоқотларда истиқлол берган имкониятлар, адабиётимиздаги ижодий тенденцияларнинг қай тарзда бўй кўрсатаётгани ойдинлашади.

Ўз ҳаёти ва ижодида мустабид тузум қийинчиликларини бошдан кечирган устозлар истиқлол берган эркин ижод имкониятларини юксак қадрлайди.

**Шухрат ЖАББОРОВ,**  
**Ўзбекистон**  
**Республикасида хизмат**  
**кўрсатган журналист**

Kuchli davlatdan — kuchli fuqarolik jamiyati sari

## Юксак ҳуқуқий маданият

### Жамиятнинг мукамаллик омилларидан

Жамиятнинг ҳуқуқий тафаккури юксалгани сайин давлат қонунларини такомиллаштириб боришга эҳтиёж пайдо бўлаверади. Шу жиҳатдан олганда, 2014 йил 15 май куни матбуотда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қонун ҳам миллий қонунчилигимиз ривожига муҳим ўрин тутди.

Ушбу қонун 29 моддадан иборат бўлиб, унинг ўнга яқин моддаси билан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш мақсадида Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Фуқаролик процессуал кодекси, Хўжалик процессуал кодекси ва “Нотариат тўғрисида”-

ги қонунга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Шундан Жиноят кодексига тўхталадиган бўлсак, унинг порахўрлик, хусусан пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун жавобгарлик белгиланган 211 ва 212-моддаларига ўзгартиш киритилди. Яъни пора

бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун белгиланган жазолар тури, миқдори ва муддатлари ўзгартирилиб, пора олиш учун белгиланган жазолар тури, миқдори ва муддатлари билан бир хилда белгиланди. Бошқача айтганда, порахўрлик жинояти учун бериладиган жазолар бирхиллаштирилди. Чунки пора олишга нисбатан пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш учун бериладиган жазоларнинг энгиллиги порахўрликка қарши кураш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган эди.

Бундан ташқари, илгари Жиноят кодексига пора бериш ва пора беришда воситачилик қилувчи шахслар бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб жиноятни очишга фаол ёрдам берса, жавобгарликдан озод этилишига оид рабатлантирувчи қоида белгиланган эди.

Юқоридаги қонун ушбу қоидага ҳам ўзгартиш киритилиб, эндиликда пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахслар бу ҳақда фақат ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилсагина жавобгарликдан озод қилиниши белгиланди. Яъни жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан хабар бериш муддати чекланди. Бу муддат ўтгандан кейин берилган хабар айбни энгиллаштирувчи ҳолат сифатида инобатга олинмайди. Бу эса пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахслар зиммасига жиноят ҳақида ўз вақтида хабар бериш мажбуриятини юқлаб, порахўрликка қарши кураш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Хулоса сифатида айтганда, ҳар қандай жиноят давлат ва жамиятнинг барқарорлиги, тинчлиги, тараққиёти учун хавфлидир. Унга қарши ёшу-қари маърифат билан, ёппасига курашсагина жиноятнинг илдизини қуритишга эриша оламиз.

**Абдуботир АБДУЛЛАЕВ,**  
**Фуқаролик ишлари бўйича**  
**Шайхонтоҳур туманлараро**  
**суди судьяси**

## E'tibor

## Гимнастика барча учун

Пойтахтимизда спорт гимнастикаси бўйича «Гимнастика барча учун» шиори остида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими ва зирликлари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва Гимнастика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада 300 нафарга яқин иштирокчи голиблик учун курашди.

Мусобақа иштирокчилари орасида гимнастика билан мунтазам шуғулланаётган спортчилар билан бирга мактаб ва коллежлар ўқувчилари, уй бекалари, корхона ва ташкилотлар ходимлари ҳам борлиги гимнастика аҳолининг барча қатламлари ўртасида кенг оммалашаётганидан далолатдир.

Саккизинчи бор ташкил этилган мазкур мусобақада 17 жамоа ижро маҳора-



ти, рақс ва гимнастика элементларини бажариш қобилиятини намойиш этди. Яқинда Самарқанднинг «Самарқанд юлдузчалари», Жиззахнинг «Стар», Бекobodнинг «Бувижон-

лар», Ангреннинг «Шанс» жамоалари чиқишлари юқори баҳоланди.

Мусобақа бош соврини – Ўзбекистон гимнастика федерацияси кубогини Зарафшоннинг «Денсетсу» жа-

моаси қўлга киритди. Шунингдек, турли номинациялар бўйича голиб ва совриндорлар тақдирланди.

**Санжар ИСМАТОВ,**  
**«Turkiston» мухбири**

## Minbar

## Хуқуқ ва эркинликларимизнинг ишончли кааролати

Истиқлолнинг тарихан қисқа даври ичида мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий соҳаларда туб ислохотлар амалга оширилди. Мустақилликка эришилган дастлабки кунларданок инсон ҳуқуқларига катта эътибор қаратилди. Бу Конституциямиз мазмун-моҳиятида ўз тасдиғини топган.

Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлини танлади. Бунда Конституция ва қонун устуворлиги муҳим аҳамияга эга. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи давлатда қонунга ҳурмат даражаси юқори бўлади. Таъкидлаш керак, Бош қомусимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият дея эътироф этилган.

Боз устига, Конституцияда давлат инсон манфаатлари йўлида хизмат қилиши қайд этилади. 2-моддада шундай дейилган: «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдидан масъулдирлар».

Конституция халқимизнинг хоҳиш-иродаси, ижтимоий онги ҳамда маданиятини акс эттиради.

У ўзида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг принципиал қоидаларини мужассам этган.

Конституцияда мустақамланган инсон ҳуқуқларига оид нормалар давлат ва жамият ҳаётига изчил татбиқ этиб келинмоқда. Жорий йилда «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар ҳам конституциявий нормаларга тўлиқ мос келади. Жумладан, Бош қонуннинг 65-моддасига кўра, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Ҳар йили мамлакатимизда давлат бюджетининг 60 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоий комплексга кирувчи бошқа соҳаларни ривожлантириш, болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Бу аънава Соғлом бола йилида

ҳам давом эттирилди.

Конституциямизнинг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга экани мустақамлаб кўйилган. Ёшларнинг билим олиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда 9739та мактаб, 186та академик лицей, 1500га яқин касбхона коллежи, 75та олий таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда.

Таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг натижалари ҳам ижобий. Биргина шу йилнинг ўзида мамлакатимизда 760га яқин таълим маскани, мусиқа ва санъат мактаблари, болалар спорт объектлари янгидан қурилди, реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Келтирилган мисоллар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамланган барча ҳуқуқ ва эркинликларимиз ишончли кааролатлангани ҳамда муҳофаза этилаётганидан далолат беради.

**Муҳайё ОДИЛҚОРИЕВА,**  
**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент вилояти ҳудудий бўлини маси катта мутахассиси**

## Mutaxassis ogh etadi

## Эътиборсизлик оқибати

Электр тармоғидаги арзимас бўлиб кўринган носозлик ёки иситиш мосламаларидан нотўғри фойдаланиш ўзимиз ва атрофдаги инсонлар ҳаётига хавф туғдириши шубҳасиз.

Турар жой бинолари, корхона ва ташкилотлар, таълим ҳамда тиббиёт муассас-

саларида ёнғин хавфсизлигига риоя қилиш борасида тарғибот тадбирларининг

мунтазам олиб борилганига қарамасдан, айрим юртдошларимиз томонидан ҳануз эътиборсизлик ҳолатларининг кузатилаётгани кишини ўйга толдиради.

Масалан, яқинда бир ҳовлида хонадон соҳибларининг хазонларни ёқиши оқибатда ёнғин келиб чиқ-

ди. Гарчи ёнғин тезда бартараф этилган бўлса-да, хонадон эгаси маълум миқдорда моддий зарар кўрди.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, эътиборли бўлиш барчамиз учун фойдалидир. Бефарқлик билан амалга оширилган ҳар бир иш катта фалокатларга олиб келишини унутмайлик.

**Бобир ЖўРАЕВ,**  
**Бухоро вилояти Когон тумани ИИБ ЁХБ бошлиғи**

## Jurnalning yangi soni

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг навбатдаги сони чоп этилди. Журналдан ўрин олган «Хотин-қизларнинг ҳаётдаги ўрни ва ижтимоий-сиёсий нуфузини ошириш йўлида» ҳамда «Жамиятимизнинг маънавий янги-ланишида хотин-қизларнинг роли» мақолаларида истиқлол йилларида, хусусан, Соғлом бола йилида мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш йўлида амалга оширилган ишлар, улар учун яратилган имкониятлар ҳақида сўз боради. Шунингдек, оила мустақамлигини таъминлашда ва баркамол авлодни дунёга келтириб, тарбиялашда ўрни беқиёс бўлган аёлларимизнинг соғлигини мустақамлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилган.

## Ҳаммаси ҳуқуқларимиз ҳақида

Мамлакатимизда қабул қилинаётган барча қонун ва қонун-ости ҳужжатлари, аввало, инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Барча қонунларнинг ҳуқуқий асоси, бош манбаи Конституциямиздир. Бугунги кунда юртимизда Бош қомусимиз ва бошқа қонунлар орқали шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг асосий тамойиллари ўрнатилган ва қонун устуворлиги таъминланган. Журналнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллиги» рукнида берилган «Конституция ва қонун устуворлиги — ҳуқуқий давлат белгиси» номли мақолада давлат ҳаётида Конституция ва қонунларнинг аҳамияти хусусидаги мулоҳазалар билан танишасиз.

21 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтказилган сайлов жараёнида юртимизда фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар ўз номзодлари билан иштирок этди. Сиёсий партиялар электорати манфаати учун қандай ишларни амалга ошириши керак? Шу ва бошқа саволларга «Кўппартиявийлик тизимида электорат манфаатлари уйғунлигини таъминлашнинг баъзи масалалари» сарлавҳали мақолада атрофлича жавоб олиш мумкин.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаеванинг аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда ишчи ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақидаги «Меҳнат муносабатларининг ишончли муҳофазаси» номли мақола-си чоп этилган.

Журналда доимий равишда хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳақида маълумот бериб борилади. Мазкур сонда Францияда давлат тузумининг асосий принциплари, ҳокимият бўлиниши ва сайлов тизими ҳақида сўз юритилган.

**Жавлон ВАФОВ**



## Qaror va ijro



## ИСТЕЪДОД ҒУНЧАМАРИ

Жиззах туманидаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактабида 200 дан зиёд ўқувчи халқ чолгулари, анъанавий хонандалик, фортепьяно, эстрада ижрочилиги, хореография, анъанавий созандалик ва тасвирий санъат сирларини пухта ўзлаштираётган.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида 2012 йили қуриб фойдаланишга топширилган таълим маскани замонавий тарзда жиҳозланган. Мактаб ўқувчилари вилоят ва республика миқёсидаги турли танлов ва кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

**СУРАТДА:** ўқувчилар Акбар Эркинов ва Нафиса Оқилова.

ЎЗА фотомухбири Шерзод НАЗАРОВ олган сурат

## «O'zbekiston belgisi» ko'krak nishoni sohiblari

**Гўзалхон Эргашева,  
Ўзбекистон Миллий  
университети 1-курс  
магистранти:**



— Адабиётни сўз санъати, дейдилар. Бироқ унинг бошқа санъат турларидан катта фарқи бор. У инсонга нафақат эстетик завқ, балки улкан маънавий озик ҳам беради. Инсон ўзини, ҳаётни теранроқ англаши учун ҳам адабиёт ўқиши керак, дейди устозларимиз. Айни навқирон, ўқиб-ўрганиб толмайдиган, ижод қиладиган ёшлик давримизни беҳуда ўтказмасликка, Ватанимиз яратиб берган имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қиляпман. Атойи, Лутфий, Рабғузий, Навоий, Бобур, Машраб, Махтумқули, Увайсий, Нодири, Огаҳий сингари мумтоз шоир ва адиблар, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Шукур Холмирзаев каби ижодкорлар асарларини севиб мутлаа қиламан. Ўзим ҳам шеър ёзаман, 2011 йилда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг иқтидорли ёшлар республика танловида адабиёт ва публицистика йўналиши бўйича голиб бўлдим. “Олис учган турна-

лар” номли илк шеърий тўпламим нашр этилди. Ҳозир Навоий номидаги давлат стипендияси соҳибиман.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаоллари сафида туриб, кўксимга Ватанимиз, халқимизнинг биз, ёшларга катта ишончи рамзи саналмиш “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишонини таққанимдан жуда хурсандман. Бу мукофот мени янада кўпроқ ўқиб-изланишга, ижод қилишга илҳомлантиради.

Зукко мухлиста  
САВОЛ:

Астрономия Шарқда азалдан ривожланган, бундан қадимда яратилган асарлар ва улар юзасидан бўлиб турган илмий баҳслардан ҳам билса бўлади. Шундай асарлар ҳам борки, улар яратилгач, бошқа бир юрт олимлари томонидан пухта ўрганилган ва таҳрир қилинган. Масалан, хинд олими Брахмагуптанинг 628 йилда ёзган «Сиддханта» асарини бошқа бир олим орадан қарийб икки аср ўтиб жиддий таҳрир қилган, ҳатто қўшимча боблар ҳам киритган. Янги таҳрирдан сўнг асарнинг қиймати янада ошган. Ҳолбуки, бу пайтда унинг муҳаррири илмий фаолиятини энди бошлаётган йигит эди. Кейинчалик у Шарқу Фарба бирдек шухрат қозонди.

Айтинг-чи, дунё илм-фани тараққиётига бемисл ҳисса қўшган бу мўътабар зот ким эди?

Жавобингизни **31 декабрь** соат **16:00**га қадар **233-79-69, 233-95-97** рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

**Ўтган сондаги саволнинг жавоби: Саккокий.**

Шўрчи туманидан Абдужаббор Бўронов тўғри жавоб йўллади.

## Тафаккур ҷимонидан бир қатра

Золиму одил бир эмас мамлакат ободиди,  
Чунки дехқондир бўлак шудгор аро, тўнғиз бўлак.

Алишер Навоий

## Bilib qo'ygan yaxshi

ХАЗИНАНИНГ  
ПОТЛИШИ

Бундан роппа-роса 100 йил аввал Туркиянинг Диёрбакир шаҳрида яшовчи бир аёл пулга муҳтожликдан китобфуруш дўконига эски, varaқлари титилай-титилай деб турган кўлэзма олиб келиб: «Раҳматли эрим: «Агар қийналиб қолсанг, шу китобни сотгин, лекин билиб қўй, бунинг нархи 30 лира олтиндан кам эмас», деган эдилар», — дебди.

Китобфуруш бу эски varaқларни бунчалик қимматга олгиси келмабди. Лекин бева аёлга раҳми келиб: «Ҳа, майли, ташлаб кетаверинг, харидор чиқиб қолса, пулини олиб ке-

тасиз», — деди.

Кунлар ўтаверибди. Бирорта харидор бу кўҳна битикни олмабди. Харидорлар ҳам унинг нархини эшитгач, фикридан қайтар экан.

## Imkoniyat

## ИЖОДСЕВАР БОЛАЛАР

Шайхонтохур туманидаги «Баркамол авлод» болалар марказида «Баркамол улғайиб, келажакка интиламиз» деб номланган кўргазма ташкил этилди. Унда ўқувчилар Шарқ миниатюраси, бадий наққошлик, либослар дизайни, бичиш-тикиш, расм чизиш, бисер, тўқиш, қўғирчоқлар экспозицияси каби йўналишларда ўз истеъдодларини намойиш этди.

— Табиат бизнинг онамиз, уни асраб-авайлашимиз керак. Мен чизган расмимда тенгдошларимга атроф-муҳитни асрайлик, деган маънони етказишга ҳаракат қилдим, — дейди пойтахтимиздаги 157-мактабнинг 7-синф ўқувчиси, марказнинг «Ёш мусаввир» тўғараги аъзоси Икром Узганов.

«Баркамол авлод» болалар маркази услуб-

чиси Барно Ҳўжамуратованинг маълум қилишича, марказда 27та тўғарак фаолият юритади.

— Тўғаракларимизга 716 нафар ўқувчи қатнайдилар, уларнинг ҳар бири ўзига хос иқтидорга эга, — дейди Б.Ҳўжамуратова. — Бу каби кўргазмаларни ташкил этишдан мақсад, уларнинг истеъдодини юзага чиқариш, ижодкорликка ундашдир. Энг яхши муаллифларнинг ижодий ишлари шаҳар миқёсида ўтказиладиган кўргазмаларда намойиш этилади. Бу ҳам ёшларимиз учун рағбатдир.

Майсара НАЗАРОВА,  
«Turkiston» мухбири